



Култегин Иккинчи Турк хоконлигининг хукмдори
685 йил 4 мартда тугилган ва 27 феврал 731 йили вафот килган.

Кул-тегин - Иккинчи Шаркий Турк-хоконлар, хокон кўшинларининг сиёсий ва харбий раҳбари. Кутлугнинг ўгли.

У Туркистонда туркийларнинг гегемонлигини тиклаган қахрамон жангчи ва кўплаб харбий юришларнинг иштирокчиси сифатида шуҳрат қозонган.

710 йилда Тонюкук ва Могилян билан бирга турк кўшини билан Хакасияга бостириб кириб, у ердаги қирғизларни мағлуб этади.

716-йилда харбий тўнтариш уюштириб, Кучук хоконни ўлдиради ва туркий тахтга ўзининг укаси Могиляни (Билге хокони) ўтказди.

Култегин вафотидан кейин унинг шарафига кенг дафн маросими ва ёдгорлик мажмуаси яратилди, унинг муҳим қисмини бир қатор балбаллар - ўлдирилган душманлар тасвирлари ташкил этди.

Кул-тегин стеласи (битиғи) 8-аср туркий руник ёзувига оид ёдгорликдир. - 1889 йилда Н. М. Ядринцев томонидан Кошо-Цайдам трактида, Кўкшин-Ўрхон дарёси бўйида (Мўғулистон) топилган. Ёзувлар 1893 йилда даниялик олим профессор Вилгелм Томсен томонидан ўқилган. Ёдгорлик қимматли тарихий маълумотларни ўз ичига олади ва бой лингвистик материалларни тақдим этади.